

Тезкор-қидирув тадбирларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

*Ўзбекистон Республикаси
Судьялар Олий мактаби
тингловчиси
Козиев Козим Комилжонович*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари, шартлари, ҳуқуқий табиати, моҳияти, замонавий ёндашувлар, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати, муаммолари, натижаларидан фойдаланиш тартиби ва механизмларига бағишланган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқий асос, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, халқаро шартнома.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена правовой основе и природе оперативно-розыскной деятельности, её условию, сущности, современным подходам, текущему состоянию использования результатов данной деятельности, проблемам, процедурам и механизмам использования результатов.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, правовая база, нормативно-правовой документ, международное соглашение.

ANNOTATION

This article is devoted to legal basis and nature of operational-search activities, its condition, essence, modern approaches, the current state of the use of the results of this activity, problems, procedures and mechanisms for using the results.

Keywords: operational-search activities, legal basis, regulatory document, international agreement.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат органлари фаолиятининг ҳар қандай тури, айниқса, у ёки бу тарзда фуқароларнинг ҳуқуқларига даҳл этувчи фаолият норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши керак.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир” – деб, кўрсатилган.²⁶

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси 2-қисмида эса “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун

²⁶ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун.

худудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади” – деб, қайд этилган.²⁷

Демак, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимида конституция энг олий юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжат ҳисобланади.

Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолиятининг амалдаги ҳуқуқий асослари:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун;
- бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

Шундан келиб чиқиб, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда – мазкур соҳада юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи халқаро ва конституциявий нормалар, қонунлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари йиғиндисини тушуниш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси бир қарашда тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини акс эттирувчи норма бўлсада, бизнинг фикримизча унга тузатиш киритиш керак.

Шарҳланаётган моддадаги **биринчи** камчилик тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари, манбалари орасида халқаро шартномаларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Конституциянинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми эканлиги, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши белгиланган.

Шунинг учун халқаро шартномалар бугунги кунда ҳар қандай норматив ҳужжатнинг асосини белгилайдиган энг умумий асослар сифатида қаралади. Улар давлат сиёсатининг қонунийлиги мезони бўлиб хизмат қилади ва халқаро ҳамжамият, шу жумладан унга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган ва тан олинган тақдирда қонуний ва мажбурий ҳисобланади.

Бинобарин, мавжуд камчиликни бартараф етиш учун “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси “Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари” ибораси билан тўлдирилиши керак.

Иккинчи қачилик бу - тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, тартиби, асослари ва шартлари қонунчилик ҳужжатларида эмас, балки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ички идоравий ҳужжатларида акс эттирилганлигидадир. Шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг аксарияти хизмат доирасида фойдаланиш учун қабул қилинган ёки махфий хусусиятга эга бўлиб, фойдаланиш доираси чекланган.

Бироқ, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида бу каби ички идоравий ҳужжатлар тезкор-қидирув фаолиятининг

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

ҳуқуқий асоси сифатида кўрсатилмаган. Моддада тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат эканлиги қайд этилган.

Хўш, қонунчилик ҳужжатлари деганда нима тушунилади?

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу - қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади.²⁸

Ўз навбатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар икки турга бўлинади. Биринчиси бу – қонун ҳужжатлари бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, республика қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари киради. Иккинчиси бу – қонуности ҳужжатлари бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ҳамда ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.²⁹

Демак, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ушбу фаолиятни тартибга солишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлари агар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, у умуммажбурий характерга эга бўлмайди ва ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат ҳисобланмайди.

Афсуски, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ушбу ички идоравий ҳужжатлари юқорида айтиб ўтилганидек ёки хизмат доирасида фойдаланиш учун ёки махфий характерга эга бўлиб, бирортаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Бу эса тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ички идоравий ҳужжатларга асосланиб бўлмаслигини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу соҳадаги амалиётда мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка қуйидаги таҳрирда ўзгартириш киритиш лозим бўлади.

Тавсия этиладиган таклиф лойиҳаси:

2-модда. Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро ҳужжатлари, ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни 7-моддаси.

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни 37-моддаси.

2. Қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқарадилар.